



## Аудиторская организация ООО "XB FINANSE KONSULTING"

**«Eski-juva dehqon bozori» АЖ нинг 2019 йил якуни  
бўйича тузилган молиявий ҳисоботиغا  
Ижобий фикр билдирилган**

### АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**Жамият таъсисчилари ва раҳбариятига**

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:  
Акциядорлик жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик  
ташкилоти.**

Ўзбекистон Республикаси. Ташкент шаҳри, Миробот туман, Госпитальная  
дахаси 11 уй 2 хонадон. телефон: 71)252-37-04

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 1018.  
11.05.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан  
берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Барча хўжалик юритувчи  
субъектларда аудиторлик текшируви"ни ўтказиш бўйича аудиторлик  
фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серия АФ № 000676  
15.05. 2008 йилда берилган.

Хисоб рақами: 20208000604408712001 «DAVR BANK» Чилонзор филиали  
МФО-01046, СТИР: 205666530, ИФУТ(ОКЭД): 69202.

Аудиторлик ташкилоти директори: Рўзимов Мансур Султанович, "Аудитор  
малака сертификати" - №00809 11.04.2019 йилда Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирлиги томонидан берилган.

**Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:  
«Eski-juva dehqon bozori» АЖ**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани Бозор майдони 28 уй.  
Телефон: 71) 242-34-88.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2014 йил 8 августда реестрдаги  
тартиб рақами № 5 (№795) билан давлат рўйхатидан ўтказилган ва «Юридик шахсни  
давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» ги гувоҳнома берилган.

Хисоб рақами: 20208000600109589001 «УзСКБ» Нодирабеғим филиали, МФО: 00402,  
СТИР: 201837960, ОКЭД: 68201 "Савдони ташкил қилиш учун майдонларни ижарага бериш  
ва бошқариш"

Жамият раҳбари: Набиев Элмурод Ҳамидуллаевич.

Бош ҳисобчи: Файзуллаева Бахтили Қойишбаевна.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилотининг аудитори Рўзимов Мансур Султанович, "Аудитор малака сертификати"га (№ 05540 22.12.2017 йилда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан берилган) ва аудиторлик ташкилоти билан «Eski-juva dehkori» АЖ ўртасида 4.11.2019 йилда тузилган 01/89 сонли шартномага асосан «Eski-juva dehkori» АЖ нинг 01.01.2019 йилдан 31.12.2019 йилгача бўлган даври учун тузилган "Қорхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" – форма № 2, шаклларидаги иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Eski-juva dehkori» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Eski-juva dehkori» АЖ нинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудитор

Хулоса тузилган сана: 29.02.2020-й.



*(Handwritten signature)*

М.С.Рўзимов

М.С.Рўзимов